Hujjat 2015 yil 1 iyun holatiga

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

269 Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини амалга оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси нормаларини амалга ошириш, шунингдек республика бюджетининг вақтинча бўш маблағларидан ҳамда давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг вақтинча бўш маблағларини жойлаштириш ва уларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири — **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2015 йил 22 май,
135-сон

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 1 iyun holatiga

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 22 майдаги 135-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг вақтинча бўш маблағларини жойлаштириш ва уларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг вақтинча бўш маблағларини (кейинги ўринларда вақтинча бўш маблағлар деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан (кейинги ўринларда Молия вазирлиги деб аталади) тижорат банкларининг депозитларига жойлаштириш тартибини ва уларни жойлаштиришдан олинган даромадлардан фойдаланиш йўналишларини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Марказий банкига ва Молия вазирлиги томонидан вақтинча бўш маблағлар уларнинг депозитларига жойлаштириладиган тижорат банкларига татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг вақтинча бўш маблағларини жойлаштириш ва уларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлардан фойдаланиш ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

II. Вақтинча бўш маблағларни аниқлаш ва уларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштириш

3. Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларининг депозитларига жойлаштириш учун вақтинча бўш маблағларнинг чекланган миқдори молия йили бошида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ахборот тизимида очилган Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг ғазначилик шахсий ҳисоб рақамидаги маблағлар қолдиғининг қабул қилинган юридик мажбуриятлар чиқариб ташланган ҳолда жорий молия йилида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети учун тасдиқланган айланма касса маблағи миқдоридан ошган суммаси сифатида аниқланади.

4. Қуйидагилар Тижорат банкларининг депозитларига вақтинча бўш маблағларни жойлаштиришда тижорат банкларига қўйиладиган асосий талаблар ҳисобланади:

тижорат банкининг устав капиталида камида 25 фоиз миқдорида давлат улуши мавжудлиги;

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 1 iyun holatiga

тижорат банкида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг маблағлари ҳисобига илгари жойлаштирилган банк депозитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликнинг йўқлиги.

5. Молия вазирлиги, зарурият бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан ёки тижорат банкларидан тижорат банкларининг молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборотни сўраши мумкин.

6. Депозитларида вақтинча бўш маблағлар жойлаштирилиши мумкин бўлган тижорат банкларини аниқлаш бўйича танловда танлаб олиш Молия вазирлиги томонидан ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган талабларга жавоб берувчи тижорат банкларига танлаб олишда қатнашиш учун таклифнома юбориш йўли билан амалга оширилади.

Депозит суммасига даромаднинг энг юқори фоизини ва танлов шартларида кўрсатилган муддатларни таклиф этган тижорат банки танловнинг ғолиби ҳисобланади.

Бунда танлов қатнашчилари томонидан бир хилдаги фоиз ставкалари ва шартлар таклиф этилган тақдирда устав капиталида давлат улуши энг кўп бўлган тижорат банки танлов қатнашчилари орасида ғолиб ҳисобланади.

7. Вақтинча бўш маблағлар тижорат банкларининг депозитларига Молия вазирлиги билан тегишли тижорат банки ўртасида белгиланган тартибда тузиладиган шартнома (кейинги ўринларда шартнома деб аталади) асосида бир молия йили мобайнида тўққиз ойгача муддатга жойлаштирилади.

Тижорат банки томонидан шартнома шартлари бажарилган тақдирда Шартноманинг амал қилиш муддати узайтирилиши, бироқ жорий молия йили тамом бўлишидан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

III. Вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлардан фойдаланиш

8. Вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳар ойда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадларига йўналтирилади.

9. Вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлардан фойдаланиш бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

IV. Тижорат банкларига жойлаштирилган маблағларни қайтариш

10. Тижорат банкларининг депозитларига жойлаштирилган Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағларини қайтариш ва улар бўйича фоизлар тўлаш қатъий равишда Шартномада белгиланган муддатларда амалга оширилади.

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 1 iyun holatiga

Зарурият бўлганда, Молия вазирлиги тижорат банкларининг депозитларига жойлаштирилган маблағларни муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиши мумкин. Муддатидан олдин қайтариш шартлари Шартномада белгиланади.

11. Депозитларга жойлаштирилган маблағлар, шу жумладан фоизлар шартномага мувофиқ ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда Молия вазирлиги:

тижорат банкларининг исталган ҳисоб рақамларига инкасса топшириқлари қўйиш йўли билан улардан қарздорликни сўзсиз тартибда ундиради;

ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтказиб юборилган қарз суммасининг 0,033 фоизи миқдорида пеня ҳисоблайди.

12. Пенядан тушган сумма Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг вақтинча бўш маблағларини жойлаштириш ва уларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг вақтинча бўш маблағларини жойлаштириш ва уларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлардан фойдаланиш СХЕМАСИ

Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
Молия вазирлиги (зарурият бўлганда Марказий банк иштирокида)	Тижорат банкларининг молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборотни ўрганиш	заруриятга кўра
	Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига танловда танлаб олишда иштирок этишга таклифнома юбориш (маблағларни депозитларга жойлаштириш шартлари кўрсатилган ҳолда)	заруриятга кўра
Тижорат банклари	Тижорат банклари томонидан таклифномани кўриб чиқиш ва Молия вазирлигига маблағларни депозитларга жойлаштириш шартлари бўйича таклифлар юбориш	таклиф олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида
Молия вазирлиги	Танловда танлаб олиш ғолибини аниқлаш (депозитлар бўйича энг юқори фоиз ставкасини таклиф қилган тижорат банкини танлаб олиш асосида)	таклиф олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 1 iyun holatiga

Субъектлар	**Тадбирлар**	**Муддатлар**
	Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг вақтинча бўш маблағларини тижорат банкида депозитларга жойлаштириш	бир молия йили мобайнида 9 ойгача бўлган даврда
	Вақтинча бўш маблағларни тижорат банкида депозитларга жойлаштиришдан олинган даромадларни олиш ва улардан фойдаланиш	бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар ойда
Тижорат банки	Тижорат банкида депозитларга жойлаштирилган вақтинча бўш маблағларни қайтариш	заруриятга кўра, шартномада белгиланган муддатларда

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 22 майдаги 135-сон қарорига
2-ИЛОВА

Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари ва тақсимлаш тартиби

1. Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) давлат мақсадли жамғармаси ҳисобланади, юридик шахс мақомисиз республика ва ҳудудий даражаларда ташкил этилади.

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, шунингдек улар бўйича ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Жамғарма маблағлари қуйидагилар ҳисобига шакллантирилади:

корхоналарни, хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги акциялар (улушлар)ни, ер участкаларини (шу жумладан якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи) ва давлат мулки ҳисобланадиган бошқа мулкларни (кейинги ўринларда давлат активлари деб аталади) сотиш;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан илгари берилган кредитлар ва қарзлар бўйича қарз олувчилар томонидан олинган кредитлар (қарзлар)нинг асосий суммаси ва улар бўйича ҳисобланган фоизлар тарзида қайтарилган тушумлар;

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 1 iyun holatiga

тузилган ва бекор қилинган давлат активлари олди-сотди шартномалари, берилган кредитлар ва қарзлар бўйича тушган пенялар ва жарималар;

хўжалик жамиятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилганда давлат улуши бўйича тушумлар;

ишончли бошқарувчилар томонидан талаб қилиб олинмаган, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат рақобат қўмитаси деб аталади) ҳузуридаги «Давлат активларини бошқариш маркази» ДУК субҳисоб рақамидан қайтарилган маблағлар;

суд қарорлари бўйича тушумлар;

баённомани ёки олди-сотди шартномасини имзолашдан бош тортган ёки уни рад этган аукционлар ёки танловлар (тендерлар) ғолибларидан ушлаб қолинган закалат суммаси;

давлат активларини баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар йўл қўйган қонун бузилишлари Давлат рақобат қўмитаси ва бошқа ваколатли органлар томонидан аниқланган тақдирда илгари сотилган давлат активлари қийматига қўшимча тўлов суммалари, шунингдек давлат активларини сотишда ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан шартнома мажбуриятлари бузилганлиги учун неустойка суммалари.

2. Жамғарма маблағларини тақсимлаш (ушбу Низомнинг 4, 5 ва 6-бандларига мувофиқ тақсимланадиган маблағлардан ташқари) Давлат рақобат қўмитаси томонидан ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-санасигача миллий валютада қуйидаги нисбатларда амалга оширилади:

68,5 фоизи — Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига;

25 фоизи — ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш, бозор инфратузилмаси институтларини шакллантириш учун Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига;

4 фоизи — маблағларни мақсадли равишда фақат бозор инфратузилмасини ривожлантиришга ва тадбиркорларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтириш учун Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига;

2,5 фоизи — тасарруф этиш ва бошқариш функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, шу жумладан Хусусийлаштириш давлат дастурини амалга ошириш, давлат активларини хусусийлаштириш жараёнини ахборотлар билан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун Давлат рақобат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари ҳисоб рақамларига.

Ушбу бандга мувофиқ маблағларни тақсимлашда:

давлат активларини сотишдан тушган (шу жумладан пенялар ва жарималар, шунингдек баённомани ёки олди-сотди шартномасини имзолашдан бош тортган ёки уни рад этган аукционлар ёки танловлар (тендерлар) ғолибларидан ушлаб қолинган закалат суммалари), ушбу бандга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети олиши лозим бўлган

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 1 iyun holatiga

маблағлар тегишли бюджетга давлат активи жойлашган жой бўйича йўналтирилади. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган давлат активлари сотилган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети олиши лозим бўлган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига йўналтирилади;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан илгари берилган кредитлар ва қарзлар бўйича қарз олувчилар томонидан олинган кредитлар (қарзлар)нинг асосий суммаси ва улар бўйича ҳисобланган фоизлар (шу жумладан пенялар ва жарималар) тарзида қайтарилган, ушбу бандга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети олиши лозим бўлган маблағлар тегишли бюджетга қарз олувчилар рўйхатдан ўтказилган жой бўйича йўналтирилади. Қарз олувчилар Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатдан ўтказилган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети олиши лозим бўлган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига йўналтирилади;

хўжалик жамиятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилганда давлат улуши бўйича тушган, ушбу бандга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети олиши лозим бўлган маблағлар тегишли бюджетга тугатилаётган хўжалик жамияти жойлашган жой бўйича йўналтирилади. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган хўжалик жамиятлари тугатилган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети олиши лозим бўлган маблағлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтирилади;

ишончли бошқарувчилар томонидан талаб қилиб олинмаган, Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги «Давлат активларини бошқариш маркази» ДУК субҳисоб рақамидан қайтарилган, шунингдек Жамғарманинг умумий маблағлари ҳисобидан илгари ўтказилган маблағлар қайтарилган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети олиши лозим бўлган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига йўналтирилади;

илгари сотилган давлат активлари қийматига қўшимча тўлов тарзида, давлат активларини сотишда ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан шартнома мажбуриятлари бузилганлиги учун неустойка суммалари тарзида, шунингдек суд қарорларига асосан давлат активлари бўйича етказилган зарар ва бой берилган фойда тарзида тушган, ушбу бандга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети олиши лозим бўлган маблағлар тегишли бюджетга давлат активи жойлашган жой бўйича йўналтирилади. Давлат активи Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлаш-

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 1 iyun holatiga

ган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети олиши лозим бўлган маблағлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтирилади;

мазкур банднинг еттинчи — ўн биринчи хатбошиларида кўзда тутилмаган бошқа манбалар бўйича тушган, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети олиши лозим маблағлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтирилади.

3. Жамғармага хорижий валютада тушадиган маблағлар Жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги махсус валюта ҳисоб рақамига ўтказилади, кейинчалик улар тўлиқ ҳажмда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мажбурий тартибда сотилади. Миллий валютадаги тушумларни тақсимлаш ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Бунда хусусийлаштиришдан валютада тушган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида назарда тутилган мақсадларга ўтказилиши лозим бўлган маблағлар, сотиб олиш тўловлари (шу жумладан ҳисобланган тақдирда — пенялар) тўлиқ тўлангандан кейин мажбурий тартибда сотилади ва кўрсатиб ўтилган мақсадларга миллий валютада йўналтирилади, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида маблағларни хорижий валютада йўналтириш назарда тутилмаган бўлса.

4. Ер участкаларини қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда резидентларга хусусийлаштиришдан тушган маблағлар Жамғарманинг шахсий ғазна ҳисоб рақамларида жамланади ва қуйидаги тартибда тақсимланади:

80 фоизи — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

20 фоизи — инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштиришда мақсадли фойдаланиш учун тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан Жамғарма маблағларининг бир қисми бошқа мақсадларга йўналтирилиши назарда тутилган тақдирда, ушбу Низом уларнинг қолган қисмига татбиқ этилади.

Бунда аниқ давлат активларини сотишдан тушган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида назарда тутилган мақсадларга ўтказилиши лозим бўлган маблағлар, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, сотиб олиш тўловлари (шу жумладан ҳисобланган тақдирда — пенялар) тўлиқ тўлангандан кейин (Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлат бошқарув органлари ва/ёки

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 1 iyun holatiga

бюджет ташкилотлари ҳисоб рақамларига йўналтириладиган маблағлардан ташқари) кўрсатиб ўтилган мақсадларга йўналтирилади.

6. Давлат активлари олди-сотдиси бўйича тузилган ва бекор қилинган шартномалар, берилган кредитлар ва қарзлар бўйича тушган пеня ва жарималар суммалари қуйидаги тартибда тақсимланади:

50 фоизи — тасарруф этиш ва бошқариш функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, шу жумладан Хусусийлаштириш давлат дастурини амалга ошириш, давлат активларини хусусийлаштириш жараёнини ахборотлар билан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун Давлат рақобат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари ҳисоб рақамларига ўтказилади;

қолган қисми — ушбу Низомнинг 2-бандига мувофиқ тақсимланади.

Давлат активлари олди-сотди шартномаси бекор қилинганда:

ушбу шартнома бўйича тўланган маблағларни қайтариш, агар суднинг қарорида ёки шартнома томонларининг алоҳида битимида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, тўланган маблағлардан пенялар ёки жарималар суммасини ушлаб қолган ҳолда шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади;

пенялар ва жарималар суммасини тақсимлаш мазкур шартнома бўйича илгари тўланган маблағлар Жамғармада мавжуд бўлганда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида назарда тутилган мақсадлар учун ўтказилган маблағлар Жамғармага қайтарилганда (ундирилганда) ушбу бандга мувофиқ амалга оширилади.

Ҳисобланган пенялар ва жарималар суммасининг етишмаётган қисми қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириб олинади ҳамда ушбу бандга мувофиқ тақсимланади.

Давлат активлари олди-сотди шартномалари хорижий валютада тузилган ва улар бўйича тўлов Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кунидаги курси бўйича миллий валютада амалга оширилиши белгиланган шартномалар белгиланган тартибда бекор қилинганда давлат активларининг олди-сотди шартномалари бўйича пеня ва жарима шартномани бекор қилиш юзасидан суднинг қарори кучга кирган кундаги, бошқа ҳолларда эса шартнома белгиланган тартибда бекор қилинган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ҳисобланади.

7. Маблағларни ушбу Низомнинг 2, 3 ва 4-бандларига мувофиқ тақсимлашда қуйидагилар ҳисобга олинмайди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан Жамғарманинг умумий маблағлари ҳисобидан бир йўла тўловлар;

белгиланган тартибда бекор қилинган шартномалар бўйича Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан харидорларга қайтариладиган маблағлар;

талабгорлар томонидан битишувлар тузиш учун депонентланган, лекин

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 1 iyun holatiga

улар бўйича битишувлар тузилмаган ва уларнинг эгаларига қайтарилиши керак бўлган маблағлар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий тусга эга бўлган, давлат активларини сотиш бўйича тендерлар ўтказиш билан боғлиқ харажатлар;

Жамғармага банк, тўловчилар томонидан нотўғри ва ортиқча ўтказилган, шунингдек аниқлаштирилгунгача тушган суммалар;

хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг акцияларини чиқариш, сақлаш ва сотиш, шунингдек бошқа давлат активларини сотиш билан боғлиқ харажатлар;

Давлат рақобат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари буюртмаларига асосан давлат активларини хусусийлаштириш мақсадида, давлат корхоналарини мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўзгартиришда, давлат активларини хўжалик жамиятларига оператив бошқариш ҳуқуқи билан ва хўжалик жамиятлари устав фондига беришда ва давлат манфаатларини кўзлаб бошқа ҳолларда баҳолаш ишларини амалга ошириш учун баҳоловчи ташкилотлар хизматлари учун тўлов билан боғлиқ харажатлар;

Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланган шартлар ва мезонларга асосан жалб қилинганда, амалий тадқиқотларни бажариш, норматив-методик ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш, ишлаб чиқиш, давлат активларини сотишдан олдинги тайёрлаш бўйича илмий-тадқиқот, аудиторлик, молия, консалтинг, бошқа хорижий ва маҳаллий ташкилотлар, мустақил экспертлар хизматлари учун тўлов билан боғлик харажатлар;

юридик шахсларнинг акциялари (улушлари, пайлари)ни, шунингдек бошқа активларни давлат манфаатларини кўзлаб сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар;

давлат активларини бошқариш бўйича хизматлар ҳақини тўлаш бўйича харажатлар;

суд қарорларига асосан Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар.

Белгиланган тартибда бекор қилинган давлат активларининг олди-сотди шартномалари бўйича тўлов хорижий валютада амалга оширилган бўлса, маблағларни қайтариш харидорнинг розилигига кўра, Жамғарманинг умумий маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маблағ қайтарилган кундаги курси бўйича миллий валютада амалга оширилиши мумкин.

8. Давлат рақобат қўмитаси (унинг ҳудудий органлари) томонидан харажатларни амалга оширишда товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб берувчилар билан шартномалар қуйидаги ҳолларда танлов (танлаб олиш)ни ўтказмасдан тузилиши мумкин:

давлат активлари тўғрисидаги рекламаларни ва ахборот тусидаги эълонларни оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш, шунингдек реклама ва эълонларни ташқи реклама воситаларида (билбордлар, баннерлар ва бошқаларда) жойлаштириш;

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 1 iyun holatiga

давлат активларини сотишда, шунингдек юридик шахслар акциялари (улушлари, пайлари)ни ва бошқа активларни давлат манфаатларини кўзлаб сотиб олишда биржа ва биржадан ташқари савдоларга хизмат кўрсатувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан хизматлар кўрсатиш;

Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштириш, рақобатни ривожлантириш ва корпоратив бошқарув муаммолари тадқиқотлари маркази томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, илмий-тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва бошқа ишларни амалга ошириш;

Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Республика бизнес-мактаби томонидан корпоратив бошқарувни ривожлантириш мақсадида Давлат рақобат қўмитаси марказий аппарати ва таркибий бўлинмалари, шунингдек давлат ишончли вакиллари малакасини ошириш;

Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги «Приватинформсистем» технологик ахборотлар Маркази» давлат унитар корхонаси томонидан замонавий ахборот-технологик компьютер дастурларини, локал компьютер ва интернет тармоғини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича Давлат тендер комиссияси қарорлари асосида маҳаллий ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан давлат активларини сотиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

баҳоловчи ташкилотлар томонидан хизматлар кўрсатиш.

Баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган баҳоловчи ташкилотлар хизматлари учун тўлов харажатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Давлат рақобат қўмитаси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ қопланади.

9. Аниқ давлат активини сотишдан тушган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида назарда тутилган мақсадларга аниқ суммасини кўрсатмасдан ўтказилиши керак бўлган маблағлар, мазкур давлат активларининг тузилган ва бекор қилинган олди-сотди шартномалари бўйича пеня ва жарималар суммаси, шунингдек ушбу давлат активини сотиш билан боғлиқ харажатлар (баҳоловчи ташкилотлар, савдолар ташкилотчилари, воситачилар ва депозитарийлар хизматлари учун тўлов харажатлари) чегирилган ҳолда кўрсатиб ўтилган мақсадларга йўналтирилади.

Бунда давлат активининг олди-сотди шартномаси бекор қилинган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида назарда тутилган мақсадлар учун илгари ўтказилган маблағлар Жамғармага қайтарилиши (Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлат бошқарув органлари ва/ёки бюджет ташкилотилари ҳисоб рақамларига йўналтирилган маблағлардан ташқари) ва ушбу Низомга мувофиқ тақсимланиши керак.

Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида назарда тутилган мақсадларга маблағлар хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига белгиланган тартибда сотиш ҳисобига миллий валютада ўтка-

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 1 iyun holatiga

зилган бўлса, давлат активларининг олди-сотди шартномаси бекор қилинган тақдирда, агар суд қарори билан бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, маблағ олувчилар томонидан маблағлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маблағни қайтариш кунидаги курси бўйича миллий валютада қайтарилади.

10. Ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган маблағлар Жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган шахсий ғазна ҳисоб рақамларида жамланади.

Жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳудудий бўлинмаларида очилган шахсий ғазна ҳисоб рақамларида жамланадиган ҳамда ушбу Низомнинг 2 ва 4-бандларига мувофиқ тақсимланадиган маблағлар ҳар ҳафтада Жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида очилган шахсий ғазна ҳисоб рақамига Давлат рақобат қўмитаси томонидан белгиланадиган тартибда ўтказилади.

11. Жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳудудий бўлинмаларида очилган шахсий ғазна ҳисоб рақамларига тушган ва тақсимланадиган маблағлар Давлат рақобат қўмитаси томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича ҳар ойда Давлат рақобат қўмитасига тақдим этиладиган ҳисоботда акс эттирилади.

12. Жамғармага барча турдаги манбалар бўйича тушган маблағлар солиққа тортилмайди.

II. Жамғарма маблағларини ҳисобга олиш ҳамда уларнинг тушишини, ҳаракатини ва тақсимланишини назорат қилиш тартиби

13. Жамғармага маблағларни ўтказиш тўловчининг (юридик ёки жисмоний шахснинг) топшириқномасига асосан тегишли тижорат банклари томонидан амалга оширилади.

Банкда ҳисоб рақамига эга бўлмаган жисмоний шахслар нақд пул маблағларини банк орқали топшириши мумкин.

Сотиб олинаётган давлат активлари учун тўланган маблағлар биринчи навбатда асосий қарз тўловига ҳисобланади, тўлов муддатлари кечиктирилганлиги учун ҳисобланган пенялар тўлови сотиб олиш тўловлари бўйича асосий қарз тўлиқ қоплангандан кейин ҳисобга олинади, суд тартибида ёки томонлар ўртасида алоҳида келишувга асосан пеня ундириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

14. Давлат активлари харидорлари тўлов ҳужжатларида қуйидагиларни кўрсатишлари шарт:

Жамғарманинг банк (ғазначилик) реквизитлари;

давлат активининг олди-сотди шартномасига мувофиқ тўловнинг тури;

маблағларни ўтказишнинг асоси (олди-сотди шартномасининг ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатнинг рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами);

давлат активининг номи.

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 1 iyun holatiga

Харидор томонидан тўлов топшириқномасини тўлдириш учун зарур бўлган ҳисоб рақами ва бошқа банк реквизитлари давлат активи олди-сотди шартномасида ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатда кўрсатилади.

15. Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари тармоқлар ва тушум манбаларидан ҳар бир хусусийлаштириш объекти бўйича маблағларнинг тушиши, ҳаракати ва тақсимланиши ҳисобини юритадилар, улар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳамда Давлат рақобат қўмитаси билан келишилган тартиб ва шаклларда ҳисоботлар тузадилар.

Жамғарма маблағларининг тушиши ва тақсимланиши тўғрисидаги йиғма жадваллар ҳудудий органлар томонидан ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг биринчи санасидаги ҳолатига кўра ойнинг бешинчи санасигача Давлат рақобат қўмитасига тақдим этилади.

16. Биржа савдоларида сотилган давлат активлари учун ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида қилинганлиги юзасидан назоратни ҳисоб-китоб-клиринг хизматлари кўрсатиш юзасидан тузилган шартномага мувофиқ савдо ташкилотчиси, биржадан ташқари савдоларда сотилган давлат активлари бўйича эса қонун ҳужжатларига мувофиқ Давлат рақобат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органи амалга оширади.

17. Давлат активларини хусусийлаштириш бўйича белгиланган муддатларда тўланмаган маблағлар суммаси харидорлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириб олинади.

III. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиби

18. Ушбу Низомнинг 2 ва 4-бандларида кўрсатилган олувчилар томонидан маблағлардан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

19. Маблағларни Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказиш ҳар ойда Жамғарманинг шахсий ғазна ҳисоб рақамларидан амалга оширилади.

20. Жамғарманинг шахсий ғазна ҳисоб рақамларидан Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжлари учун (25 фоиз) маблағлар уларнинг ғазначилик ҳисоб рақамларига ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-санасигача ўтказилади.

21. Ушбу Низомнинг 20-бандида кўрсатилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари асосида қуйидаги йўналишлар бўйича сарфланади:

а) маблағларнинг 50 фоизи — 1991 йилгача қурилган кўп квартирали уй-жойларнинг умумий фойдаланиладиган жойларини ва муҳандислик коммуникацияларини мукаммал таъмирлашни, шунингдек умумтаълим мактаб-

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 1 iyun holatiga

лари ва мактабгача тарбия муассасаларини мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашни молиялаштиришга йўналтирилади;

б) маблағларнинг камида 25 фоизи — аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган тоифалари учун уй-жой қурилишини молиялаштиришга йўналтирилади;

в) маблағларнинг қолган қисми қуйидагиларни молиялаштиришга йўналтирилади:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур бўлган муҳандислик ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари, сув қувурлари, канализация тизимлари ва иншоотлар, газ ва электр таъминоти тармоқлари, йўллар қурилиши, шунингдек ижтимоий инфратузилмани — таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт объектлари қурилиши;

лойиҳалаш ҳужжатларини, шу жумладан, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

22. Маблағларнинг йўналишлар бўйича ўз вақтида ўтишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг тегишли бўлинмалари ва банк муассасалари таъминлайдилар.

23. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-санасигача Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ушбу Низомга 2-иловадаги шакл бўйича маблағлардан фойдаланишнинг йўналишлари тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар.

24. Тасарруф этиш ва бошқариш функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, шу жумладан Хусусийлаштириш давлат дастурини амалга ошириш, давлат активларини хусусийлаштириш жараёнини ахборотлар билан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари ихтиёрида қолдириладиган маблағлардан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат рақобат қўмитаси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ фойдаланилади.

IV. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби

25. Ушбу Низомга мувофиқ тақсимланиши керак бўлган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

26. Давлат рақобат қўмитаси ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-санасидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Жамғарма бюджетининг ижроси тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан маблағлар қайтарилганда Жамғарма ҳисоботининг даромад ва харажат қисмидан қуйидагилар чегириб қолинади:

банк ва тўловчилар томонидан нотўғри ва ортиқча ўтказилган маблағлар суммаси;

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 1 iyun holatiga

талабгорлар томонидан битишувлар тузиш учун депонентланган, лекин улар бўйича битишувлар тузилмаган ва уларнинг эгаларига қайтарилиши лозим бўлган маблағлар;

Жамғармага тушган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида назарда тутилган мақсадларга илгари ўтказилган маблағлар.

27. Жамғарма маблағларининг тушумлари ва тақсимланиши бўйича бирламчи ҳужжатларни текширишлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, шунингдек улар бўйича ҳисоботлар тузиш ва тақдим этиш
СХЕМАСИ

Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари	Жамғарма ҳисоб рақамларига тушган маблағларни жамлаш ва ҳисобга олиш	Ҳар куни
	Низомнинг 7-бандида кўрсатилган харажатларни амалга ошириш	Заруриятга қараб
	Низомнинг 6-бандига мувофиқ пеня ва жарималар суммасини тақсимлаш	Маблағлар тушумига қараб ҳар ҳафтада
Давлат рақобат қўмитаси ҳудудий органлари	Низомнинг 2 ва 4-бандларига мувофиқ тақсимланадиган маблағларни Жамғарманинг шахсий ғазна ҳисоб рақамига ўтказиш	Ҳар ҳафтада
	Жамғарма маблағлари тушуми ва уларнинг тақсимланиши бўйича ҳисоботни Давлат рақобат қўмитасига тақдим этиш	Ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-санасигача
Давлат рақобат қўмитаси	Жамғарма маблағларини Низомнинг 2- ва 4-бандларига асосан тақсимлаш ва маблағ олувчиларга ўтказиш	Ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15- санасигача
	Жамғарма бюджетининг ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳисобот тақдим этиш	Ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-санасигача

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 1 iyun holatiga

Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари	Жамғарма маблағларининг бир қисмини ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига ишлатилиш йўналишлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳисобот тақдим этиш	Ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10- санасигача
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш	Белгиланган муддатларда

Давлат мулкини хусусийлаштиришдан
тушган маблағлар жамғармаси
маблағларини шакллантириш ва улардан
фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

ҲИСОБОТ

______________________________ молия бошқармасининг
(номи)

Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси маблағларининг бир қисмини ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига ишлатилиш йўналишлари тўғрисида

____
(худуд номи)

20__ йил 1 ______________даги ҳолатига кўра
(ой)

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Жами йил бошидан	Ҳисобот ойи даврида
1.	Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети (__________ вилоятининг вилоят бюджети, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети) тегишли ҳисоб рақамидаги пул маблағларининг давр бошидаги қолдиғи Жами		
2.	Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармасидан тушди, Жами		
3.	ХАРАЖАТЛАР Жами шу жумладан йўналишлар бўйича:		
	а) кўп квартирали уй-жойларнинг умумий фойдаланиладиган жойларини ва муҳандислик коммуникацияларини мукаммал таъмирлаш, шунингдек умумтаълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларини мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш;		
	б) аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган тоифалари учун уй-жой қурилиши;		

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 1 iyun holatiga

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Жами йил бошидан	Ҳисобот ойи даврида
	в) қурилиш: муҳандислик ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари; сув қувурлари, канализация тизимлари ва иншоотлар, газ ва электр таъминоти тармоқлари; йўллар, ҳудудларни ободонлаштириш; таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт объектлари;		
	г) лойиҳалаш ҳужжатларини, шу жумладан шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш;		
	д) бошқа харажатлар (очиб берилади)		

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 22 майдаги 135-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган айрим қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат активларини сотиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 29 январдаги 27-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 1-сон, 8-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2009 йил 31 декабрдаги 343-сон қарорига 2-илованинг 5-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 12-сон, 84-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига 2-илованинг 18-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ—4483-сон Фармони)» 2013 йил 9 сентябрдаги 244-сон қарорига 1-илованинг 65-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 9-сон, 64-модда).

WWW.LEX.UZ